

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИШУНОСЛИК”
КАФЕДРАСИ

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ - ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҲАЛҚ ФАРОВОНИЛГИНИ
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**


*Республика илмий - амалий анжуман
тезислари тўплами*



ТОШКЕНТ-2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**«МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИШУНОСЛИК»
КАФЕДРАСИ**

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ
ИНҶИРОЗИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Республика илмий-амалий анжумани
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТҮПЛАМИ*

2011 йил 18 май

*(Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
20 йиллиги ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
80 йиллик юбилейига бағишиланади)*

ТОШКЕНТ – 2011

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш - қишлоқ аҳолисининг моддий бойлигини ошириш асоси

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасини кенгайтириш учун оилавий бизнеснинг ташкилий-хуқукий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбик этиш иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштиришнинг энг муҳим чора-тадбирларидан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодий муносабатларида “оилавий бизнес” ва “оилавий тадбиркорлик” тушунчалари бошқа иқтисодий категорияларга нисбатан кам қўлланилади.

Бизнингча, қишлоқ аҳолиси учун оилавий бизнесдан кўра оилавий тадбиркорлик кўпроқ ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга. Чунки оилавий тадбиркорлик муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказишгача бўлган жараён маълум бир оила аъзолари томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда маҳсулотларни етиштириш, саклаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, реклама қилиш, маркетинг тадқиқотини ўтказиш ва сотишдан тушган даромадларнинг аксарият қисми оиланинг моддий бойлигини оширишга олиб келади.

Тадқиқотларимизга кўра, оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим:

- “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Конуни ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашнинг ташкилий, хуқукий, иқтисодий ва ижтимоий механизмларини яратиш;
- оилавий тадбиркорликнинг ташкилий тузилмасига аниқлик киритиш, яъни унга оилавий корхона – юридик шахс мақомини бериш;
- оилавий тадбиркорликка солик юкининг оптимал чегарасини белгилаш;
- иқтисодий ва хуқукий мустақиллигини кафолатлаш;
- моддий-техника ва инновацион-технологик базаларини яратишга кўмаклашиш;
- самарали ва янги техника ва технологиялардан фойдаланишни қўллаб-куватлаш;
- оилавий бизнес-режалари, маркетинг дастурлари ва молиявий натижаларга асосан имтиёзли кредитларни тақдим этиш;

- фаолият кўрсатиш жараёнига аралашувни қонун асосида чеклаш;
- ҳар бир оилавий тадбиркорлик тизимининг этник, диний, иркий ва миллий урф-одатлари ҳамда экспорт-импорт операцияларини эркин амалга оширишни таъминлаш;
- зарурат бўлганда хўжалик шартномалари асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича семинар-тренингларни оилавий тадбиркорлик объектларининг ўзида ва илғор тажриба участкаларида ташкил этиш ва бошқалар.

Юкорида қайд этилган шарт-шароитларни яратиш оилавий тадбиркорликни факатгина самарали ривожланишини эмас, балки қишлоқ аҳолисининг қуидаги йўналишларда моддий бойликларини оширишга олиб келади:

- қиймат ва натурал кўринишларидаги иш ҳақларининг икки ва ундан ортиқ ортиши;
- асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлигининг кўпайиши;
- янги, самарали техника ва технологиялар базасини яратиш;
- экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда молиявий натижаларга кўра соф даромадларга эга бўлиши;
- оилавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг ривожланиши;
- молиявий-иктисодий барқарорликнинг таъминланиши.

Бизнингча, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш кўп жиҳатли ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва тарбиявий жараёнлар бўлгани учун оила сони 100 тадан ортиқ бўлган қишлоқ жойларда хўжалик ҳисобидаги илмий-маслаҳат марказларини ташкил этиш лозим. Уларни ташкил этишдан максад оилавий тадбиркорлик фаолияти бўйича ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, агротехнологик, психологик ва бошқа маслаҳат ҳамда тавсияларни илмий асосланган ҳолда шакллантириш ва татбиқ этишдан иборат. Акс ҳолда, мазкур хусусий тадбиркорликнинг самарали йўналиши жиддий тўсикларга учраб, аҳоли моддий бойлигини оширишнинг асосий манбалари бўлиш эҳтимоллиги пасайиб кетади.